


## I. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-июнь ойларида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 6245,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси 94,0 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-июнь ойларида 1945,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-июнига нисбатан 101,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1123,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 785,4 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2019 йил январь-июнига нисбатан мос равишда 102,2 фоиз ва 99,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

### Январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



## **Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати**



Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4335,0 млрд. сўмни ўсиш суръати

101,9 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ичимлик ишлаб чиқариш 140,3 % ни, кийим кечак ишлаб чиқариш 102,6 % ошганлигини, мебел ишлаб чиқариш 93,1 %, ни ташкил этди кузатиш мумкин.



## **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 700,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 94,0 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури

бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати индекси табиий газ 2,4 марта ошди, нефть 132,1 % ни ва кондесат қазиб олиш ҳажми 129,8 % ни ташкил этди ва бошқа тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръати 96,7 % га камайиш кузатиш мумкин.

## **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.**



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1170,0 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 18,7 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 94,0 % га камайган.

## **Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилаарни утилизация қилиш.**



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилаарни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 39,6 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2020 йил январь-июнь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилаарни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 48,0 % ни ташкил этган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб  
чиқариш ҳажми**  
(2020 йил январь-июнъ ойларида)


	млрд. сўм	ўсиши суръати индекси, фоиз ҳисобида
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>6245,5</b>	<b>94,0</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>700,9</b>	<b>94,0</b>
<b>улардан:</b>		
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	24,1	129,2
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>4335,0</b>	<b>101,9</b>
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1248,0	84,2
Напитка ишлаб чиқариш	42,2	140,3
Тўқимачилик буюмлари	1165,3	97,5
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1366,8	133,5
Мебел ишлаб чиқариш	34,0	93,1
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	158,0	111,6
Металлургия саноати	8,7	69,7
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш</b>	<b>1170,0</b>	<b>94,0</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>39,6</b>	<b>48,0</b>
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	1945,1	101,4
<i>шу жумладан</i>		
Озиқ-овқат товарлари	1123,0	102,2
Ноозиқ-овқат товарлари	785,4	99,0



Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда хукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қиласди. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 6245,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94,0 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 12,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 0,2 % ташкил этсада, нодавлат секторида 6233,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 99,8 % ташкил этди.

#### **Давлат ва нодавлат секторларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, % да**






Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнъ ойларида 6245,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки камайиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94,0 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қўйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг мухим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти ўсиш суръати 94,0 % ни, қайта ишлаш саноати 101,9 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 94,0 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар 48,0 % ни ташкил этди.

### **Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми  
(йирик корхоналар бўйича)**

	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2020 йил январь-июнь</b>	<b>2019 йил январь-июнга нисбатан %</b>
--	--------------------------	---------------------------------	---

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш**

Табиий газ	млн. м3	1267,2	242,7
Нефть	минг тн.	13,8	132,1
Суюлтирилган газ	минг тн.	73,6	131,1
Конденсат	минг тн.	142,1	129,8

**Ишлаб чиқарадиган саноат**


Ун	тн.	77125,1	113,8
Нон маҳсулотлари	тн.	314,6	31,1
Омухта ем	тн.	50782,0	102,8
Тозаланган ўсимлик мойи	тн.	4406,0	47,2
Макарон маҳсулотлари	тн.	-	-
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	минг л.	655,1	80,7
Вино маҳсулотлари	минг л.	517,6	104,4
Калава ип	тн.	14540,0	98,6
Олтингугурт	минг тн.	0,5	101,2
Линт	тн.	1629,0	80,1

	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2020 йил январь- июнь</b>	<b>2019 йил январь-июнга нисбатан %</b>
Пахта толаси	<i>тн.</i>	30840,0	89,2
Пахта чигити	<i>тн.</i>	29618,0	72,5
Шрот ва шелуха	<i>тн.</i>	21102,0	41,9
Хўжалик совуни	<i>тн.</i>	85,0	32,3
Калий ўгити	<i>минг тн.</i>	100,2	101,8
Термопласт қувурлари	<i>тн.</i>	2570,0	111,5
Полиэтилен	<i>тн.</i>	66970,0	103,4
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	1590,3	74,3

### **Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш**

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Муборак тумани (Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,2 %), Гузор тумани (20,3 %), Қарши шаҳар (19,0 %), Нишон тумани (20,2 %), Қарши тумани (5,0 %) ҳиссасига тўғри келади.

## **2020 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши, % да**



Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Қашқадарё вилояти ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманлароро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган микдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-июнь ойларида Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 6245,5 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 1897,9 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 92,2 % га етказилганлигини кузатишимиш мумкин. Шунингдек вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши аҳоли жон бошига 591,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,4 % га етди.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариши**

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (101,4 % га) ошишига олиб келди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 31,1 % ни ташкил этди.


**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан, % да**

2020 йил  
январь-июнь




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1123,0 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 57,7 %, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 785,4 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 40,4 %, алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 36,6 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 1,9 % ни ташкил этди.

**Ҳудудларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда истеъмол товарларининг улуши, % да**




Туманларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори улушга эга бўлган Шаҳрисабз шаҳар (99,5 %), Яккабоғ тумани (99,3 %), Касби тумани (91,7 %), ташкил этади. Шунинг билан бирга энг кам улушга эга бўлган Нишон (3,8 %), Ғузор (4,1 %) туманларига тўғри келади.

### **Ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари индекси, % да (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)**



Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда энг юқори ўсиш суръатлари Касби тумани (109,7 %), Қамаши шахри (108,4 %) ва Шаҳрисабз шахри (108,0 %) кузатилмоқда.

### **Ҳудудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, % да (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)**




Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Яккабоғ тумани (116,5 %), Шаҳрисабз тумани (107,2 %), Дехқонобод тумани (106,8 %) ва Нишон туманида (106,0 %) кузатилган.

### **Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**


Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш кузатилди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,8 % ошиши таъминланди. Дастребки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-июн ойларида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 31,6 % ни ташкил этди.

#### **2020 йил январь-июн ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да**




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Қамаши тумани жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (100,0 %), Қасби (100,0 %), Қитоб (95,3 %) ва Яккабоғ (90,7 %) туманларида кузатилди. Шу билан биргага, энг кичкина улуш Дехқонобод (12,2 %), Ғузор (4,5 %), Нишон (3,8 %) туманларида кузатилди.

**Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат  
маҳсулотлари ҳажми, (минг сўмда)**



Худудлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Нишон туманига (8259,3 минг сўм), Гузор туманига (6208,8 минг сўм), Карни шахри (4295,1 минг сўм) га тўғри келди. Энг паст кўрсаткич эса Чирокчи тумани (338,3 минг сўм), Китоб тумани (585,6 минг сўм) га тўғри келди.

**Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол  
товарларининг ҳажми (минг сўмда)**




Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Қарни шахри (2183,4 минг сўм), Шахрисабз шахри (873,4 минг сўм), Шахрисабз тумани (815,0 минг сўм), Яккабоф тумани (649,9 минг сўм) га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Дехқонобод тумани (213,9 минг сўм), Касби тумани (243,6 минг сўм) га тўғри келади.

## **Саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,6 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 31,6 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Касби ва Қамаши туманларида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 фоиз), Китоб (95,3 фоиз), Шахрисабз шахри (82,6 фоиз), Чирокчи (80,3 фоиз), ҳамда Яккабоғ (76,4 фоиз) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Ғузор (4,5 фоиз), Муборак (13,4 фоиз) ҳамда Дехқонобод (12,2 фоиз) туманларида кузатилди.

**Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда  
(2020 йил январь-июнь ойларида)**



## ***Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириши Дастурининг амалга оширилиши***

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 48 та лойиха бўйича 26,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини  
маҳаллийлаштириш Дастиуининг асосий кўрсаткичлари  
(январь-июнь ойларида)**

	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	19	48
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	11	35
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	6,9	26,6
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	-	-
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	30	46

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб  
чиқарилиши**

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1143,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 128,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 9,5 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 15,5 фоизни ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,0 бандга кўпайган.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг  
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши**




## **Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**

Бугунги кунда вилоятда 3655 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 720 таси Қарши шахри ва 428 таси Китоб, 325 таси Яккабоғ, 310 таси Шахрисабз шаҳар, 294 таси Чироқчи, 277 таси Қарши, 208 таси Қамаши, 199 таси Косон, 202 таси Шахрисабз, 185 таси Ғузор, 127 таси Нишон, 124 таси Касби ва 93 таси Миришкор туманларига тўғри келади.

## **Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**

*(2020 йил январь-июнь ойларида)*



■ Янги ташкил этилганлар ■ Фаолият юритаётганлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда 462 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 16,5 фоизи Қарши шахрига, 10,2 фоизи Чироқчи, 10,2 фоизи Китоб, 8,2 фоизи Яккабоғ, 7,3 фоизи Шахрисабз шаҳар, 6,3 фоизи Қарши, 6,0 фоизи Шахрисабз, 5,6 фоизи Касби, 5,2 фоизи Ғузор, 5,0 фоизи Қамаши, 4,5 фоизи Косон, 5,0 фоизи Муборак, 3,7 фоизи Миришкор, 3,7 фоизи Нишон ҳамда 2,6 фоизи Дехқонобод туманларига тўғри келади.